

«Oktobank» АЖ Бошқарувининг
2026 йил «__» _____ даги
№ ____-сонли баённомаси қарори билан тасдиқланган
Банк Бошқаруви Раиси
Турсунов И.Б.

Тадбиркорлик субъектлари билан тузиладиган факторинг шартномасининг намунавий шакли

Пул талаб қилиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиш (факторинг) асосида молиялаштириш шартномаси № ____

Тошкент шаҳри

«____» _____ 202 йил

«Oktobank» АЖ, кейинги ўринларда «Молиявий агент» деб аталувчи, бир томондан, ОПЕРУ бошлиғи _____ томонидан, 202__ йил «__» _____ даги № ____ сонли ишончнома асосида иш юритувчи, ва

«_____» МЧЖ, кейинги ўринларда «Мижоз» деб аталувчи, директор _____ томонидан, Устав асосида иш юритувчи, иккинчи томондан, биргаликда «Томонлар» деб аталувчилар, мазкур Пул талаб қилиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиш (факторинг) асосида молиялаштириш шартномасини (кейинги ўринларда – «Шартнома») қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР

- 1.1. Молиявий агентнинг ҳақи – ушбу Шартномада назарда тутилган тартиб, миқдор ва шартларга мувофиқ Мижоз томонидан **Молиявий агентга тўланиши лозим бўлган Комиссия ва/ёки Дисконт** кўринишидаги пул маблағи.
- 1.2. **Қоплаш санаси** – ўтказилган Пул талабномаси суммасини Молиявий агентга ўтказиш бўйича мажбурият бажариладиган сана.
- 1.3. **Дебитор** – Мижоз билан Контракт тузган ва мазкур Контрактга мувофиқ, Мижоз томонидан Дебитор фойдасига товарлар етказиб берилганлиги (хизматлар кўрсатилганлиги, ишлар бажарилганлиги) натижасида юзага келган, Шартномада белгиланган тўловни кечиктириб тўлаш шартлари асосидаги Мижознинг Пул талабномасини тўлаш мажбуриятига эга бўлган юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор.
- 1.4. **Пул талабномаси (қарз суммаси)** – Мижоз томонидан етказиб берилган товарлар (кўрсатилган хизматлар, бажарилган ишлар) учун Контракт шартларига мувофиқ тўланиши лозим бўлган ва бирламчи ҳужжатлар билан тасдиқланган, Дебиторнинг Мижоз олдидаги Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида ифодаланган пул мажбурияти.
- 1.5. **Мижоз** – Дебитор билан тузилган Контракт доирасида тўловни кечиктириб тўлаш шартлари асосида унга товарлар етказиб берувчи (хизматлар кўрсатувчи, ишлар бажарувчи), Контракт асосида Дебиторга товар етказиб бериш (хизмат кўрсатиш, иш бажариш) натижасида келиб чиққан талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган ҳамда факторинг хизматидан фойдаланишга қизиқиш билдирган ёки Молиявий агент томонидан факторинг хизмати кўрсатилаётган юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор.

- 1.6. **Контракт** – Мижоз ва Дебитор ўртасида тузилган, товарларни етказиб бериш/сотиш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатишни тўловни кечиктириб тўлаш шартлари асосида назарда тутувчи шартнома.
- 1.7. **Регрессни бажариш даври** – Дебитор томонидан ўтказилган талаб бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолда, Мижоз Молиявий агентга илгари ўтказилган талаб суммасини тўлашга мажбур бўлган вақт даври. Регрессни бажариш даври имтиёзли давр тугаганидан кейинги кундан бошланади. Регрессни бажариш даври 5 календарь кунни ташкил этади.
- 1.8. **Пул талабномалари реестри** – Шартномага 1-сонли илова сифатида келтирилган бўлиб, Молиявий агентга ўтказилган Пул талабномаси тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига оловчи ҳужжат.
- 1.9. **Молиялаштириш суммаси** – ўтказилган пул талабномаси суммасининг 100 фоизига тенг бўлган сумма.
- 1.10. **Факторинг (пул талабномасини ўтказиш асосида молиялаштириш)** – Молиявий агент томонидан Мижозга ушбу Шартномада белгиланган шартлар ва тартибда Пул талабномаларини ўтказиш эвазига молиялаштириш амалга ошириладиган операция.

2. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

- 2.1. Мазкур Шартнома бўйича Мижоз Молиявий агентга Дебиторга нисбатан пул талабномаларини ўтказиш ҳамда кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади, Молиявий агент эса ўтказиш предмети бўлган пул талабномалари билан боғлиқ қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириш мажбуриятини олади:
 - Шартномага 1-сонли иловага мувофиқ пул талабномалари ҳисобидан Мижозга пул маблағларини ўтказиш;
 - Мижознинг Дебиторга нисбатан пул талабномаларини ҳисобга олиб бориш;
 - Мижознинг пул талабномалари бўйича ҳуқуқларни амалга ошириш, шу жумладан Дебиторга тўлов талабларини тақдим этиш, Дебитордан тўловларни қабул қилиш ҳамда пул талабномалари билан боғлиқ ҳисоб-китобларни амалга ошириш.
- 2.2. Молиявий агент Мижозга _____ (_____) сўм миқдорида молиялаштиришни амалга оширади.
- 2.3. Молиявий агентнинг ҳақи – комиссия/дисконт миқдори молиялаштириш суммасининг ____ % (____) фоиз)ини ташкил этади.
- 2.4. Факторинг хизматини кўрсатиш муддати ____ (____) кунни ташкил этади.
- 2.5. Мижознинг пул талабномаларини ўтказиш ҳуқуқи қуйидаги ҳужжатлар нусхалари билан тасдиқланади: _____ (ҳисоб-фактуралар, чиқим юкхатлари, товар-моддий қийматликларни қабул қилиш-топшириш далолатномалари, мувофиқлик сертификатлари, сифат сертификатлари, келиб чиқиш сертификатлари, ускуналар спецификациялари, шартноманинг ижросини таъминлаш ҳужжатлари).
- 2.6. Мижоз у билан Дебитор ўртасида пул талабномаларини учинчи шахсга ўтказишни тақиқлаш ёки чеклаш бўйича келишувлар мавжуд эмаслигини кафолатлайди.
- 2.7. Мазкур Шартнома бўйича Молиявий агент томонидан пул талабномаларини кейинчалик қайта ўтказишга йўл қўйилади.

3. ПУЛ ТАЛАБНОМАЛАРИНИ ЎТКАЗИШ АСОСИДА МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ ТАРТИБИ ВА АСОСИЙ ШАРТЛАРИ

- 3.1. Пул талабномаси, агар ўтказилаётган пул талабномаси бўйича тўлов мажбурияти Шартнома имзоланган пайтдаёқ вужудга келган бўлса, Томонлар томонидан Шартнома имзоланган санадан бошлаб Молиявий агентга ўтади.
- 3.2. Пул талабномалари ўтказилиши билан бир вақтда Молиявий агентга Контрактдан келиб чиқадиган бошқа ҳуқуқлар ҳам ўтади, жумладан Дебиторга нисбатан жарима санкцияларини қўллаш ҳуқуқи, Мижозга тақдим этилган таъминот бўйича ҳуқуқлар, суғурта талаблари бўйича фойда оловчи ҳуқуқлари ва бошқа ҳуқуқлар.

- 3.3. Молиялаштириш суммаси миқдорида ўтказилган пул талабномаси учун Мижозга тўлов Шартнома тузилган пайтдан бошлаб 3 (уч) банк куни ичида, Мижоз томонидан молиялаштириш олдидан барча мажбуриятлар тўлиқ бажарилган тақдирда амалга оширилади.
- 3.4. Мижозга тўлов ушбу Шартноманинг 15-бўлимида кўрсатилган банк реквизитларига мувофиқ амалга оширилади.
- 3.5. Агар бошқа ҳуқуқларни ўтказиш учун Мижоз томонидан қўшимча ҳаракатлар (ҳужжатларни расмийлаштириш ва бошқалар) амалга оширилиши талаб этилса, Мижоз ушбу ҳаракатларни бажариш мажбуриятини олади.

4. ФАКТОРИНГ БЎЙИЧА ҚАЙТАРИЛИШНИ ТАЪМИНЛАШ

4.1. Мазкур Шартнома бўйича тақдим этиладиган факторинг қуйидагилар билан таъминланади:

- а) _____ миқдорида жами _____ (/00) сўмга тенг бўлган гаров билан. *Гаров предметининг келишилган гаров қиймати Молиявий агент ва Мижоз томонидан имзоланган _сонли гаров предмети қийматини келишиши далолатномасига (20 йил «» _____) мувофиқ _____ (/00) сўмни ташкил этади. Кўрсатилган гаров предметининг гаровга олиш билан боғлиқ аниқ шартлари гаров шартномасида белгиланади;*
- б) учинчи шахс — _____ (Гаров берувчи)га тегишли бўлган _____ мол-мулки гарови билан, жами _____ (/00) сўмга тенг миқдорда. *Гаров предметининг келишилган гаров қиймати Молиявий агент, Гаров берувчи ва Мижоз томонидан имзоланган _сонли гаров предмети қийматини келишиши далолатномасига (20 йил «» _____) мувофиқ _____ (/00) сўмни ташкил этади. Кўрсатилган гаров предметининг гаровга олиш билан боғлиқ аниқ шартлари гаров шартномасида белгиланади.*
- с) кўчмас мулк гарови (ипотекаси) билан, яъни қуйидаги манзилда жойлашган: _____ ш, _____ тумани, _____ кўчаси, -уй, ва мулк ҳуқуқи асосида _____ (мулк эгасининг номи)га тегишли бўлган кўчмас мулк, кейинги ўринларда «Гаров предмети» деб юритилади, рўйхат ва келишилган гаров қийматига мувофиқ _____ (рақамлар билан) _____ (сўзлар билан) сўмни ташкил этади, 20 йил «__» _____ даги _____-сонли гаров предмети қийматини келишиши далолатномасига мувофиқ, Молиявий агент ва Мижоз томонидан имзоланган (агар гаров берувчи учинчи шахс бўлса — Молиявий агент, Мижоз ва _____ (Гаров берувчи номи) томонидан имзоланган). Гаров (ипотека) шартларининг аниқ тартиби тегишли равишда нотариал тасдиқланган гаров (ипотека) шартномаси билан белгиланади. Мижоз Гаров предметини Молиявий агент томонидан маъқулланган суғурта компанияси орқали суғурталашни ҳамда мазкур суғуртани ушбу Шартнома амал қилиш муддати давомида сақлаб туришни ўз зиммасига олади. Суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда фойда олувчи сифатида Молиявий агент белгиланади. Гаров предметига оид тегишли тарзда расмийлаштирилган суғурта шартномаси, суғурта полиси ҳамда нотариал тасдиқланган гаров (ипотека) шартномаси Мижоз томонидан Молиявий агентга қуйидаги муддатгача тақдим этилиши лозим: _____ / ушбу шартнома бўйича молиялаштириш тақдим этилишидан олдин / ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб _____ (рақамлар билан ва сўзлар билан) календарь кун ичида.
- д) эмитент номи _____ бўлган акциялар гарови билан, мазкур акциялар _____ (мулк эгасининг номи)га тегишли бўлиб, миқдори _____ (рақамлар билан) _____ (сўзлар билан) дона, номинал қиймати _____ (рақамлар билан) _____ (сўзлар билан) сўмни ташкил этади, кейинги ўринларда «Гаров предмети» деб юритилади, келишилган гаров қиймати _____ (рақамлар билан) _____ (сўзлар билан) сўмга тенг бўлиб, 20 _____ йил «__» _____ даги _____-сонли гаров предмети қийматини келишиши далолатномасига мувофиқ, Молиявий агент ва Мижоз томонидан имзоланган (агар гаров берувчи учинчи шахс бўлса — Молиявий агент, Мижоз ва _____ (Гаров берувчи номи) томонидан имзоланган). Гаровнинг аниқ шартлари Молиявий агент ва Мижоз ўртасида тузиладиган тегишли гаров шартномасида белгиланади (агар гаров берувчи учинчи шахс бўлса — Молиявий агент, Мижоз ва _____ (Гаров берувчи номи) ўртасида тузиладиган шартномада белгиланади).

- е) _____ (кафил номи) томонидан кафиллик билан, кейинги ўринларда «Кафил» деб юритилади, _____ (рақамлар билан) _____ (сўзлар билан) сўм миқдорида. Кафилликнинг аниқ шартлари Молиявий агент, Мижоз ва Кафил ўртасида тузиладиган тегишли кафиллик шартномасида келишиб олинади.
- ф) Эмитенти «**» бўлган, «»**га (кейинги ўринларда — «Мулкдор») тегишли бўлган, сони _____ () **дона, номинал қиймати** _____ () сўм бўлган акциялар гарови билан, кейинги ўринларда «Гаров предмети» деб юритилади, гаров предметининг қийматини келишиш тўғрисидаги **-сонли, «»** _____ 20__ йилдаги далолатномага мувофиқ, келишилган гаров қиймати _____ (_____) сўм миқдорида. Мазкур далолатнома Молиявий агент ва Мижоз томонидан (ёки гаров қўувчи учинчи шахс бўлган тақдирда, Молиявий агент, Мижоз ва Гаровга қўувчи томонидан) имзоланган бўлиши лозим. Гаровнинг аниқ шартлари Молиявий агент ва Мижоз ўртасида тузиладиган тегишли гаров шартномасида (ёки гаров қўувчи учинчи шахс бўлган тақдирда, Молиявий агент, Мижоз ва Гаровга қўувчи ўртасида тузиладиган гаров шартномасида) белгиланади.
- г) «_____» номли Кафилнинг (кейинги ўринларда — «Кафил») _____ (_____) сўм миқдоридаги кафиллиги билан таъминланади. Кафилликнинг аниқ шартлари Молиявий агент, Мижоз ва Кафил ўртасида тузиладиган тегишли кафиллик шартномасида белгиланади.
- ж) «**» русумли, _____ йилда ишлаб чиқарилган, ранги , двигатель №, кузов №**, давлат рўйхатидан ўтказиш рақами _____ бўлган, «_____»га (кейинги ўринларда — «Мулкдор») тегишли автомобиль/махсус техникани гаровга қўйиш орқали таъминланади, кейинги ўринларда «Гаров предмети» деб юритилади. Гаров предмети рўйхати ва келишилган гаров қиймати _____ (_____) сўм миқдорида бўлиб, Молиявий агент ва Мижоз томонидан (ёки гаров қўувчи учинчи шахс бўлган тақдирда, Молиявий агент, Мижоз ва Гаровга қўувчи томонидан) имзоланган гаров предмети қийматини келишиш тўғрисидаги **-сонли, «»** _____ 20__ йилдаги далолатномага мувофиқ белгиланади. Гаровнинг аниқ шартлари тегишли тарзда нотариал тасдиқланган гаров шартномасида белгиланади. Мижоз «Гаров предмети»ни Молиявий агент томонидан маъқулланган шартларда фаолият юритувчи суғурта компанияси орқали суғурталаш ва мазкур суғуртанинг ушбу шартнома амал қилишининг бутун даври мобайнида узлуксиз амал қилишини таъминлаш мажбуриятини олади. Суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда наф олувчи (бенефициар) Молиявий агент ҳисобланади. Тегишли тарзда расмийлаштирилган суғурта шартномаси, суғурта полиси ҳамда «Гаров предмети»га оид нотариал тасдиқланган гаров шартномаси Мижоз томонидан Молиявий агентга _____ санасига қадар / ушбу шартнома бўйича факторинг маблағлари ажратилгунга қадар / ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб _____ (_____) календарь кун ичида тақдим этилиши лозим.
- к) (суғурта компаниясининг тўлиқ номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилган ҳолда) «_____» суғурта компанияси томонидан, кейинги ўринларда «Суғурталовчи» деб юритилади, қарзнинг қайтарилмаслик хавфини _____ (_____) сўм миқдорида суғурталаш орқали таъминланади. _____ санага қадар / ушбу шартнома бўйича факторинг маблағлари ажратилгунга қадар / ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб _____ () **календарь кун ичида Молиявий агент Суғурталовчи билан** _____ () сўм миқдорида қарзнинг қайтарилмаслик хавфини суғурталаш шартномасини тузади ҳамда Суғурталовчи фойдасига суғурта мукофотини тўлайди. Мижоз эса Молиявий агент томонидан суғурта мукофоти тўланган кунда мазкур суғурта мукофоти учун тўланган суммани Молиявий агентга коплаб бериш мажбуриятини олади.
- h) Гаров депозити _____.
- 4.2. Нотариал тартибда тасдиқланадиган гаров (ипотека) шартномасини расмийлаштириш жойини топиш ва танлаш, гаров битимининг тўлиқ расмийлаштирилишини ташкил этиш ва таъминлаш, шунингдек гаров битимини нотариал тасдиқлаш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга олиш билан боғлиқ барча харажатлар Мижоз ва Гаровга қўувчи зиммасига юклатилади.

- 4.3. Молиявий агентга гаров шартномасини тайёрлаш ва тузиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этиш ҳамда тегишли шахсларнинг келиб қатнашишини таъминлаш мажбурияти Мижоз зиммасига юклатилади.
 - 4.4. Гаров предметининг батафсил тавсифи ва гаров шартларининг мазмуни тегишли гаров (ипотека) шартномасида белгиланади.
 - 4.5. Мижоз ушбу Шартнома бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажармаган ва/ёки Гаровга қўювчи гаров шартномаси шартларини бузган ҳолларда, Молиявий агент тегишли мажбурият тўлиқ бажарилгунга қадар Мижознинг ёки Гаровга қўювчининг мол-мулкни ушлаб туриш ҳуқуқига эга. Мол-мулкни ушлаб турган Молиявий агентнинг талаблари мазкур мол-мулк қийматидан гаров билан таъминланган талабларни қаноатлантириш учун қонунчиликда назарда тутилган ҳажм ва тартибда қаноатлантирилади.
 - 4.6. Гаровга қўйилган мол-мулк ҳисобидан Молиявий агентнинг гаров сакловчи сифатидаги талабларини судга мурожаат қилмасдан қаноатлантиришга, агар бу гаров шартномасида назарда тутилган бўлса ёки гаров предметига ундирув қаратиш учун асослар юзага келганидан кейин тузилган нотариал тартибда тасдиқланган келишув асосида, йўл қўйилади.
 - 4.7. Молиявий агент ўз хоҳишига кўра ўз талаб қилиш ҳуқуқларини Кафилга, ёки Суғурталовчига суғурта ходисаси юз берганлиги муносабати билан суғурта товонини тўлаш ҳақидаги талаб билан, ёхуд Мижозга нисбатан қўллаш ҳуқуқига эга. Суғурталовчига суғурта товонини тўлаш тўғрисида талаб қўйилиши Молиявий агентнинг факторинг қарздорлигини сўндириш ҳақидаги талабни Мижозга ёки Кафилга нисбатан қўйиш ҳуқуқини истисно этмайди.
 - 4.8. Гаров предмети (предметлари)/таъминот ва/ёки унинг (уларнинг) қисми(лари)га нисбатан ундирув қаратилаётганда, Молиявий агент биринчи навбатда ундирув қаратилувчи объектни ўз ихтиёрига кўра бир томонлама танлаш ҳуқуқини ўзида саклаб қолади. Гаров предмети/таъминот объектларидан бирига ва/ёки унинг (уларнинг) қисми(лари)га нисбатан ундирув қаратилиши Молиявий агентнинг бошқа объект(лар)га ва/ёки уларнинг қисми(лари)га нисбатан ҳам ундирув қаратиш ҳуқуқини чекламайди.
 - 4.9. Мижоз ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ундирув қаратилиши мумкин бўлган барча ўзига тегишли мол-мулк билан жавоб беради.
 - 4.10. Гаровга қўйиладиган мол-мулкни суғурталаш ҳамда қайтарилмаслик (сўндирилмаслик) хавфини суғурталаш бўйича суғурта мукофоти тўлови тўлиқ ёки қисман Мижознинг ёхуд Молиявий агентнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.
- Суғурта мукофоти Молиявий агент томонидан тўланган тақдирда, Мижоз Молиявий агент томонидан ушбу тўлов амалга оширилган санадан бошлаб 1 (бир) календарь кун ичида тўланган суғурта мукофоти суммасини Молиявий агентга тўлиқ қоплаб бериш мажбуриятини олади.

5. ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН ПУЛ ТАЛАБЛАРИНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

- 5.1. Ташкил қилинган Пул талабларининг тўлови Дебитор/Мижоз томонидан Шартномада кўрсатилган Молиявий агентнинг реквизитлари бўйича амалга оширилади.
- 5.2. Дебитор/Мижоз тўловни ушбу Шартномада белгиланган шартлар ва муддатлар ҳамда миқдорларга мувофиқ амалга оширади.
- 5.3. Дебитор/Мижоз ушбу Шартнома ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ Молиявий агент олдидаги тўлов мажбуриятларини устувор тартибда бажариши шарт бўлиб, бу ҳақда Дебитор/Мижоз хабардор қилинган ва ўз розилигини билдирган ҳисобланади.
- 5.4. Дебитор/Мижоз мажбуриятларини қоплашнинг қуйидаги навбати белгиланади:
 1. Дебитор/Мижоз жавобгарлиги билан боғлиқ юзага келган қарздорликни қоплаш (пеня, жарималар);
 2. Пул талаби бўйича асосий қарзни (молиялаштириш суммасини) қоплаш.

6. МОЛИЯВИЙ АГЕНТ ВОСИТАЧИЛИК ҲАҚИ

- 6.1. Мижозга факторинг хизматларини кўрсатганлик учун Мижоз Молиявий агентга воситачилик ҳақини (комиссия/дисконт) тўлайди.

- 6.2. Факторинг хизматлари учун воситачилик ҳақи (комиссия/дисконт) шартнома тузилган санадан бошлаб бутун факторинг даври учун ҳисобланади. Пул талаблари муддатидан олдин сўндирилган тақдирда, молиялаштиришдан фойдаланганлик учун воситачилик ҳақи миқдори қайта кўриб чиқилмайди.
- 6.3. Воситачилик ҳақини ҳисоблаш учун асос сифатида Молиявий агентга ўтказилган ва Шартномада кўрсатилган Пул талаби суммаси қабул қилинади.
- 6.4. Молиялаштиришдан фойдаланганлик учун дисконт Молиявий агент томонидан Мижоз ҳисоб рақамига ўтказилиши лозим бўлган молиялаштириш суммасидан тегишли миқдорни ушлаб қолиш орқали амалга оширилади.
- 6.5. Молиялаштиришдан фойдаланганлик учун комиссия Мижоз томонидан молиялаштириш амалга оширилишидан олдин тўланади.

7. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

7.1. Мижоз қуйидагиларни бажариш мажбуриятини олади:

7.1.1. Дебитор билан тузилган Контракт бўйича ўз мажбуриятларини лозим даражада бажариш;

7.1.2. Молиявий агент олдида қуйидагилар учун жавобгарликни ўз зиммасига олиш:

- ўтказиш (цессия) предмети бўлган пул талабининг ҳақиқийлиги учун;
- Дебитор томонидан Молиявий агентга ўтказилган пул талаблари ушбу Шартномада назарда тутилган тартибда бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолатлар учун;
- Дебиторнинг Мижозга нисбатан ҳисобга олиш (зачёт) бўйича қарши талаблари мавжуд бўлган талабларни Молиявий агентга ўтказиш ҳолларида.

7.1.3. Мижоз томонидан Молиявий агент фойдасига амалга оширилган пул талабларининг ўтказилиши тўғрисида Дебиторни ёзма равишда хабардор қилиш (шу жумладан электрон ҳужжат айланиш тизими (Didox ёки бошқалар), хабарнома етказилганлиги тўғрисидаги билдириш билан почта орқали ёки Дебиторнинг ваколатли вакили имзоси остида қўлма-қўл топшириш орқали) ва бу хабарнома шаклини Молиявий агент билан келишилган ҳолда расмийлаштириш. Хабарнома ушбу Шартнома имзолангандан кейинги иш кунидан кечиктирмасдан юборилиши лозим ҳамда молиялаштириш тақдим этилишидан олдин Молиявий агентга Дебиторни хабардор қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилиши шарт.

7.1.4. Молиявий агентга Дебитор билан ўзаро алмашинувда бўладиган барча ҳужжатларнинг ўз муҳри билан тасдиқланган нусхаларини, ушбу ҳужжатлар юборилган ёки олинган санадан бошлаб 3 (уч) иш куни ичида, агар улар Шартнома бўйича ўтказилган талаблар бўйича ўз вақтида тўлов амалга оширилишига таъсир кўрсатиши мумкин бўлса, тақдим этиш;

7.1.5. Молиявий агентнинг ёзма талабига асосан, сўров олинган санадан бошлаб 3 (уч) иш куни ичида Дебитор тўғрисида қўшимча маълумотларни, шунингдек ўтказилган пул талаби ҳамда Мижознинг ўзига оид бошқа ҳужжатларни ёзма равишда тақдим этиш;

7.1.6. Молиявий агентга дарҳол ёзма равишда қуйидаги маълумотларни маълум қилиш:

- Дебиторнинг тўлов қобилиятига таъсир кўрсатиши ёки ўтказилган пул талабининг бажарилишига тўсқинлик қилиши мумкин бўлган салбий ҳолатлар ҳақида;
- Дебитор ўз тўлов мажбуриятларини қисман ёки тўлиқ рад этаётган (низолашаётган) ҳолатлар ҳақида;

- ўтказилган пул талаби ёки унинг таъминотига нисбатан учинчи шахс ҳуқуқлари пайдо бўлган ёки учинчи шахслар томонидан даъво қилинган ҳолатлар ҳақида;
- Мижозда ва/ёки Дебиторда юзага келган ҳуқуқий ёки иқтисодий ўзгаришлар, улар ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш имкониятига таъсир кўрсатса, ҳатто бу ўзгаришлар фақат айрим мажбуриятларга тегишли бўлган ҳолларда ҳам.

7.1.7. Дебитор томонидан ўтказилган пул талаблари бўйича тўлов маблағлари Мижоз ҳисоб рақамига тушган тақдирда, Мижоз мазкур маблағларни улар тушган санадан бошлаб кейинги иш кунидан кечиктирмасдан Молиявий агентга ўтказилишини таъминлаши шарт. Дебитор томонидан ўтказилган пул талаблари бўйича Мижоз ҳисоб рақамига тўлов амалга оширилиши Дебитор учун мазкур пул талаблари бўйича мажбуриятларни лозим даражада бажарилган деб

ҳисобланиши учун асос бўлмайди. Мазкур бандга мувофиқ Мижоз томонидан маблағлар Молиявий агентга ўтказилгунга қадар, Молиявий агент Дебитордан мазкур пул талаблари бўйича тўловни тўғридан-тўғри ўз фойдасига амалга оширишни талаб қилиш ҳуқуқини сақлаб қолади, яъни Дебитор томонидан Мижоз ҳисоб рақамига ўтказилган маблағлар қайси пул талабини қоплаш учун йўналтирилган бўлса, ушбу талаб бўйича ҳам Дебитордан Молиявий агент фойдасига тўлов талаб этиш ҳуқуқи сақланади.

- 7.1.8. Молиявий агентнинг ёзма розилигисиз Контракт шартларига ўтказилган пул талаби параметрларига таъсир кўрсатувчи ҳар қандай ўзгартиш ёки қўшимчалар киритмаслик;
- 7.1.9. Молиявий агент ва Дебитор ўртасида ўтказилган пул талаблари бўйича Молиявий агент ўз ҳуқуқларини амалга ошириши билан боғлиқ низо юзага келган тақдирда, Молиявий агентнинг тегишли сўрови олинган санадан бошлаб 3 (уч) иш куни ичида, Мижоз ўзида мавжуд бўлган ёки олиши мумкин бўлган барча ҳужжатларни ҳамда эга бўлган ёки олиши мумкин бўлган барча маълумотларни, низо мазмунига тааллуқли бўлган ҳолда, Молиявий агентга тақдим этиши ва хабар қилиши шарт.
- 7.1.10. Мижоз Молиявий агентга унга ўтказилган Пул талаблари бўйича ўз ҳуқуқларини амалга ошириш учун барча зарур тушунтиришларни тақдим этади;
- 7.1.11. ушбу Шартномада назарда тутилган Молиявий агент хизматлари учун ҳақ тўлаш;
- 7.1.12. Дебитор томонидан ўтказилган талаб бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда, регресс мажбуриятларини бажариш даври тугамасдан олдин, яъни Молиявий агент томонидан қарздорликни тўлаш тўғрисида талаб қўйилган ҳолларда, Мижоз ўтказилган пул талабини Молиявий агентга тўлаш мажбуриятини олади. Шу билан бирга, Мижоз ва Дебитор мазкур талаб бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун солидар жавобгар бўладилар;
- 7.1.13. ушбу Шартномадан келиб чиқадиган талабларни учинчи шахсларга ўтказмаслик ва гаровга қўймаслик;
- 7.1.14. Дебитор билан тузилган Контрактдан келиб чиқадиган, Молиявий агентга ўтказилаётган Пул талаблари ҳуқуқларини гаровга қўймаслик.

7.2. Мижоз қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- 7.2.1. ушбу Шартномага мувофиқ факторинг хизматлари кўрсатилиши тартиби ва шартлари тўғрисида тўлиқ ҳамда ишончли маълумот олиш;
- 7.2.2. ўтказилган пул талаби бўйича Дебиторнинг тўлов мажбуриятларини бажариш;
- 7.2.3. Молиявий агентдан ўтказилган пул талаби ҳолати тўғрисидаги жорий маълумотларни, шунингдек ушбу Шартнома доирасида Молиявий агент ҳисобга олиб бораётган бошқа маълумотларни тақдим этишни талаб қилиш;
- 7.2.4. Шартнома тузилгандан сўнг ва молиялаштириш амалга оширилгунга қадар бўлган даврда факторинг хизматларидан текин асосда воз кечиш ҳуқуқига эга. Бунда Мижоз ушбу ҳақда Молиявий агентни ёзма равишда хабардор қилиб, бундай ёзма хабарнома санасига қадар юзага келган барча ўзаро ҳисоб-китобларни тўлиқ амалга ошириш мажбуриятини олади;
- 7.2.5. факторинг бўйича мажбуриятларни муддатидан олдин, жарима ва бошқа санкциялар қўлланилмаган ҳолда тўлиқ ёпиш ҳуқуқига эга.

7.3. Молиявий агент қуйидаги мажбуриятларни олади:

- 7.3.1. Мижозни молиялаштириш (ўтказилган пул талаби бўйича молиялаштириш суммаларини Мижозга ўтказиш) ушбу Шартномада белгиланган тартиб, миқдорлар ва муддатларда амалга ошириш;
- 7.3.2. Дебитор томонидан Молиявий агент ҳисоб рақамига, Мижоз томонидан ўтказилмаган пул талаби бўйича тўлов маблағлари келиб тушган тақдирда, мазкур маблағлар тушган санадан бошлаб 1 (бир) иш куни ичида Мижоз ва Дебиторга тегишли ёзма хабарнома юбориш;
- 7.3.3. Дебитор томонидан Молиявий агент ҳисоб рақамига, ушбу Шартномада назарда тутилган тартибда Мижоз томонидан тўлов амалга оширилгандан кейин, пул талаби бўйича маблағлар келиб тушган тақдирда, улар тушган санадан бошлаб 1 (бир) иш куни ичида Мижоз ва Дебиторга тегишли хабарнома юбориш;

- 7.3.4. Дебитор томонидан ўтказилган пул талаби ўз вақтида тўланмаган тақдирда, бу ҳақда дарҳол Мижозга тегишли хабарнома юбориш орқали (факс, электрон ҳужжат айланиш тизими (Didox ёки бошқалар), электрон почта, Дебиторнинг ваколатли вакили имзоси остида қўлма-қўл топшириш ва бошқа алоқа воситалари орқали) хабар бериш.
- ушбу Шартнома, бошқа шартномалар ҳамда Контракт бўйича Мижознинг Молиявий агент олдида бажарилмаган мажбуриятлари мавжуд бўлган ҳолларда, шунингдек Контракт бўйича мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда;
 - Мижоз томонидан Молиявий агентга тақдим этилган маълумотлар ва/ёки ҳужжатлар ҳақиқий эмаслиги аниқланиб, Мижоз томонидан улар ўрнига янги ишончли маълумотлар тақдим этилмаган ҳолларда;
 - Пул талаби бўйича тўлов муддати ўтган ҳолларда;
 - Молиявий агент томонидан, ўз фикрига кўра, Мижоз ёки Дебитор мажбуриятларини бажармаслиги ёки тегишли Пул талаби ҳақиқий эмаслиги ёхуд ҳақиқий эмас деб топилиши мумкинлигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда.

8. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 8.1. Молиявий агент ушбу Шартнома шартларига мувофиқ Мижозга пул маблағларини тўлаш бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, Молиявий агент Мижозга кечиктирилган ҳар бир кун учун ўз вақтида тўланмаган маблағ суммасининг 0,1% (нол бутун ўндан бир фоиз) миқдорида пеня тўлайди, бироқ умумий пеня миқдори кечиктирилган сумманинг 50% дан ошмаслиги лозим.
- 8.2. Мижоз ўтказилган пул талабининг ҳақиқийлиги ҳамда ушбу Шартнома бўйича тақдим этиладиган ҳужжатларнинг ишончлилиги учун жавобгар ҳисобланади.
- 8.3. Мижоз томонидан Молиявий агентга ўтказилган пул талаби ҳақиқий эмас деб топилган, ёки Контракт ҳақиқий эмас, тузилмаган деб эътироф этилган ва унга битим ҳақиқий эмаслиги оқибатлари қўлланилган тақдирда, Мижоз Молиявий агентдан ушбу Шартнома бўйича амалда олган молиялаштириш суммасини (дисконтни ҳисобга олган ҳолда) Молиявий агентнинг тегишли талабномаси олинган санадан бошлаб 3 (уч) иш куни ичида қайтаришга мажбурдир.
- 8.4. Дебитор томонидан қарши талабларни ҳисобга олиш (зачёт) амалга оширилиши, Дебитор томонидан товарнинг қайтарилиши (қайта юборилиши), товарнинг тасодикий йўқ бўлиши ёки шикастланиши хавфи Клиентдан Дебиторга ўтгунга қадар товарнинг йўқ бўлиши/шикастланиши, шунингдек ўтказилган Пул талаби суммасининг бошқа ҳар қандай камайиши натижасида ўтказилган Пул талаби суммаси камайган тақдирда, Мижоз бундай камайиш юз берган санадан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида камайган суммага тенг маблағни Молиявий агентга ўтказиши шарт. Ушбу банд қоидалари ҳеч қандай ҳолатда Мижоз ва Дебиторга Дебитор томонидан қарши талабларни ҳисобга олиш (зачёт) қилиш, товарни қайтариш (қайта юбориш) ёки ўтказилган Пул талаби суммасини бошқа тарзда камайитириш ҳуқуқини бермайди. Мазкур ҳисобга олиш, товарни қайтариш (қайта юбориш) ёки ўтказилган Пул талаби суммасини камайитириш ҳолатлари ғайриқонуний ҳисобланади ҳамда Молиявий агент уларнинг қонунийлигини белгиланган тартибда баҳслашиш ҳуқуқига эга.
- 8.5. Дебитор томонидан Контракт бўйича Мижознинг мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги, шу жумладан етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар сифатидан норозилик билдирган ҳолда ёзма даъволар тақдим этилганлиги муносабати билан Мижоз ва Дебитор ўртасида ҳар қандай низо ёки келишмовчиликлар мавжуд бўлса, Мижоз бундай даъволар мавжуд бўлган ўтказилган Пул талаблари суммасига тенг маблағни, Дебиторнинг даъвоси юзага келган санадан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида Молиявий агентга ўтказиши шарт.
- 8.6. Ўтказилган Пул талаби гаровга қўйилганлиги, учинчи шахслар ҳуқуқлари билан чекланганлиги (обременение), ёки ушбу талабга нисбатан хатлов қўйилганлиги факти аниқланган тақдирда, Мижоз тегишли равишда гаровга қўйилган, чекланган ва/ёки хатлов остида бўлган Пул талаби суммасига тенг маблағни, Молиявий агентнинг тегишли

талабномаси олинган санадан бошлаб 2 (икки) иш куни ичида Молиявий агентга ўтказиши шарт.

- 8.7. Мижоз ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган ва/ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, Молиявий агент ҳар бир кечиктирилган кун учун ўз вақтида тўланмаган сумма миқдорининг 0,1% (нол бутун ўндан бир фоиз) миқдорида пеня тўлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади, бироқ умумий пеня миқдори кечиктирилган сумманинг 50% дан ошмаслиги лозим.
- 8.8. Мижоз ушбу Шартнома шартларига мувофиқ Молиявий агентга ўтказилган Пул талаблари бўйича Дебитор томонидан мажбуриятлар бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун мазкур Шартноманинг 8 ва 9-бўлимларида назарда тутилган тартиб ва шартларда жавобгар бўлади.
- 8.9. Томонлар қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳолатларда ҳам жавобгарликка тортилади.
- 8.10. Пул талаби бекор бўлишига ёки унинг ҳақиқий эмас деб топилишига олиб келиши мумкин бўлган ҳолатлар юзага келган тақдирда, Мижоз бу ҳақда 3 (уч) банк куни ичида Молиявий агентни ёзма равишда хабардор қилиши ҳамда факторинг бўйича қарздорликни қоплаши шарт.

9. МИЖОЗНИНГ ДЕБИТОРЛАР ТОМОНИДАН ЎТКАЗИЛГАН ПУЛ ТАЛАБЛАРИНИ БАЖАРМАСЛИГИ ЁКИ ЛОЗИМ ДАРАЖАДА БАЖАРМАСЛИГИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИГИ

- 9.1. Дебитор томонидан Молиявий агентга ўтказилган пул талаби тўлиқ ёки қисман тўланмаган тақдирда, Молиявий агент факторинг муддати тугаган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмасдан бу ҳақда Мижозни хабардор қилади.
- 9.2. Мижоз регресс мажбуриятларини бажариш даври ичида Молиявий агентга ўтказилган пул талаби суммаси билан Дебитор томонидан мазкур пул талаби бўйича амалда олинган тўловлар ўртасидаги фарқни тўлайди. Мазкур бандда назарда тутилган мажбурият Молиявий агент томонидан бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда, Мижоз ҳар бир кечиктирилган кун учун ўз вақтида тўланмаган маблағ миқдорининг 0,1% (нол бутун ўндан бир фоиз) миқдорида пеня тўлайди, бироқ умумий пеня миқдори кечиктирилган сумманинг 50% дан ошмаслиги лозим.
- 9.3. Мижоз томонидан 9.2-бандда назарда тутилган мажбурият бажарилган тақдирда, Дебитор томонидан бажарилмаган қисмидаги Пул талаби Мижозга ўтади. Мижоз томонидан 9.2-бандда назарда тутилган мажбурият бажарилган санадан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида Молиявий агент Мижознинг сўровига асосан мазкур бандга мувофиқ Мижозга ўтадиган Пул талаби мавжудлигини тасдиқловчи илгари топширилган ҳужжатларни Мижозга қайтаради. Ҳужжатлар Мижозга уларни топшириш фактини кейинчалик тасдиқлаш имконини берадиган усулда тақдим этилади. Пул талаби ўтгани ҳақида Молиявий агент Мижознинг ёзма талабига асосан Дебиторни хабардор қилади.

10. МАХФИЙЛИК

- 10.1. Ушбу Шартнома доирасида Томонлар қуйидагиларни хизмат ва тижорат сири деб эътироф этадилар: ушбу Шартноманинг барча молиявий шартлари, шу жумладан дисконт/комиссия миқдори, ушбу Шартнома шартларига мувофиқ Томонлар ўзаро алмашадиган барча маълумотлар, шу жумладан Томонларнинг ва Мижоз Дебиторининг молиявий ҳолати тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек ушбу Шартнома доирасида Томонлар томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлардаги, жумладан бошланғич ҳужжатлардаги маълумотлар ҳамда ҳақиқий ёки эҳтимолий тижорат қийматига эга бўлган бошқа барча маълумотлар, қонунчиликка қўра хизмат ёки тижорат сири бўлиши мумкин бўлмаган маълумотлар ҳамда учинчи шахсларга тааллуқли бўлиб, уларни тарқатишга уларнинг ёзма розилиги олинган маълумотлар бундан мустасно.
- 10.2. 10.1-бандда кўрсатилган маълумотлар бошқа Томоннинг ёзма розилигисиз учинчи шахсларга берилмайди, бундай розиликсиз эса фақат Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ

мазкур маълумотларни олиш ҳуқуқига эга бўлган суд, тергов ва бошқа ваколатли органларга тақдим этилиши мумкин.

- 10.3. Дебиторга нисбатан пул талабини учинчи шахсларга кейинчалик ўтказиш ҳолларида Молиявий агент ушбу Шартнома доирасида олинган барча маълумотлар ва ҳужжатларни Миждознинг ёзма розилигисиз мазкур учинчи шахсларга бериш ҳуқуқига эга.
- 10.4. Томонлар 10.1-бандда кўрсатилган маълумотларни рухсатсиз тарқатиш (шу жумладан сизиб чиқиши) учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўладилар.

11. ТОМОНЛАРНИНГ КАФОЛАТЛАРИ ВА ИШОНТИРИШЛАРИ

11.1. Томонлар қуйидагиларни тасдиқлайди ва кафолатлайди:

- ушбу Шартномани тузиш учун зарур бўлган барча корпоратив рухсатлар, одобрениялар ва келишувларга эга бўлиб, улар ваколатли органларнинг устав ваколатлари ва ички тартиб-қоидаларига мувофиқ олинган, шунингдек ушбу Шартномани тузиш учун қўшимча ҳар қандай рухсатлар/одобрениялар/келишувлар талаб этилмайди ҳамда ваколатли органлар ва/ёки ташкилотларнинг барча зарур рухсатлари олинган;
- амалдаги қонунчиликка мувофиқ тарзда рўйхатдан ўтказилган ва тижорат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга;
- солиқ тўловчи сифатида ҳисобда туради, бозорда ижобий ишбилармонлик обрўсига эга, молиявий ҳолати барқарор ва мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни лозим даражада бажариш учун етарли активларга эга;
- тугатиш жараёнида эмас, ушбу Шартномани тузишга тўсқинлик қилувчи жиноий ёки маъмурий иш юритувларида иштирок этмаяпти;
- ушбу Шартноманинг лозим даражада бажарилишига тўсқинлик қилувчи ҳеч қандай тақиқлар, гаровлар, обременениялар ва/ёки учинчи шахслар ҳуқуқлари мавжуд эмас;
- ушбу Шартнома уни имзолашга ваколатли шахслар томонидан имзоланган бўлиб, ваколат йўқлиги сабабли уни ҳақиқий эмас деб топиш учун асослар мавжуд эмас;
- ушбу Шартнома сохта ёки мажозий (мнимий/притворный) битим эмас ҳамда унинг шартлари ҳақиқий иқтисодий мазмунига мос келади.

11.2. Томонлар келишувига мувофиқ, ҳар бир Томоннинг талабига асосан бир-биридан давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома, ушбу Шартномани имзолаш ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар, лицензиялар, сертификатлар ва ушбу Шартномани лозим даражада бажариш учун зарур бўлган бошқа рухсат берувчи ҳужжатларнинг тасдиқланган ёки сканер қилинган нусхаларини талаб қилиш ва тақдим этишга мажбурдирлар.

11.3. Томонлар ушбу бобда баён этилган кафолатлар ва ишонтиришлар ҳақиқий эканлигини тасдиқлайдилар. Уларни бузиш белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлиши мумкин.

11.4. Томонлар бир-бирининг фаолиятига аралашмасликни, бошқа Томон фаолиятига аралашув билан боғлиқ талаблар қўймасликни ҳамда бошқа Томоннинг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишини тақиқламасликни кафолатлайдилар.

12. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТЛАР

12.1. Томонлар ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш жараёнида, уларнинг аффилирланган шахслари, ходимлари ёки воситачилари тўғридан-тўғри ёки билвосита тарзда ҳар қандай шахсларга ноқонуний устунликка эришиш ёки бошқа ғайриқонуний мақсадларга эришиш учун таъсир ўтказиш мақсадида бирон-бир пул маблағлари ёки қимматликларни тўламайди, тўлашни таклиф этмайди ва бундай тўловларга рухсат бермайди.

12.2. Томонлар, уларнинг аффилирланган шахслари, ходимлари ёки воситачилари Шартнома мақсадларида қўлланиладиган қонунчиликка мувофиқ пора бериш ёки олиш, тижоратда пора олиш (коммерческий подкуп), шунингдек коррупцияга қарши курашга оид халқаро ҳужжатлар талабларини бузувчи бошқа ҳаракатларни амалга оширмайдилар.

12.3. Ҳар бир Томон бошқа Томон ходимларини ҳар қандай усулда рағбатлантиришдан, жумладан пул маблағлари бериш, совғалар тақдим этиш, бепул ишлар (хизматлар) бажариш ва мазкур бандда кўрсатилмаган бошқа усуллар орқали уларни муайян қарамлик ҳолатига солиш ҳамда

мазкур ходимларни муайян ҳаракатларни рағбатлантирувчи Томон манфаати йўлида амалга оширишга йўналтиришдан воз кечади.

- 12.4. Агар Томонлардан бири коррупцияга қарши шартлар бузилган ёки бузилиши мумкинлиги ҳақида гумон пайдо бўлса, ушбу Томон иккинчи Томонни ёзма равишда хабардор қилишга мажбурдир. Ёзма хабарномада Томон воқеаларга таянадиган фактларни келтириши ёки ушбу шартлар бузилган ёки бузилиши мумкинлиги ҳақида асосли гумонни тасдиқловчи материалларни тақдим этиши лозим. Бу ҳолатлар қонунчиликка мувофиқ пора бериш ёки олиш, тижорат пораси ҳамда ноқонуний даромадларни легаллаштиришга қарши халқаро нормаларни бузиш билан боғлиқ ҳаракатлардан иборат бўлиши мумкин.
- 12.5. Томонлар коррупциянинг олдини олиш мақсадида бир-бирларига ўзаро қўмаклашадилар. Шу билан бирга, Томонлар коррупциявий фаолиятга жалб этилиш хавфини олдини олиш мақсадида текширувлар ўтказиш тартиб-таомилларини амалга оширишни таъминлайдилар.
- 12.6. Томонлар Шартномани бажариш жараёнида юзага келадиган коррупцияга оид масалалар бўйича тегишли текширувларни махфийлик тамойилларига риоя этган ҳолда ўтказилишини ҳамда салбий оқибатларни бартараф этиш ва эҳтимолий низоларнинг олдини олиш учун самарали чораларни кўришни кафолатлайдилар.
- 12.7. Томонлар коррупцияга қарши шартлар ижроси билан боғлиқ масалалар бўйича тўлиқ махфийликни таъминлайдилар ҳамда бузилиш ҳолати ҳақида хабар берган ходимларга нисбатан салбий оқибатлар бўлмаслигини кафолатлайдилар.

13. НИЗОЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

- 13.1. Томонлар ўртасида ушбу Шартномага ўзгартириш киритиш, уни бекор қилиш, бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик билан боғлиқ юзага келадиган низолар музокаралар йўли билан ҳал этилади.
 - 13.2. Низони тинч йўл билан ҳал этиш имкони бўлмаган тақдирда, ушбу Шартномадан келиб чиқадиган ёки у билан боғлиқ барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар, шу жумладан уни тузиш, ўзгартириш, бажариш, бузиш, бекор қилиш, тугатиш ва ҳақиқийлиги билан боғлиқ масалалар даъвогарнинг ихтиёрига кўра Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Третей судида ёки Тошкент туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.
- Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Третей судида иш кўриб чиқилганда, низо Третей суди қоидаларига мувофиқ ҳал этилади. Третей судининг қарори якуний ҳисобланади ва қайта кўриб чиқилмайди.

14. БОШҚА ШАРТЛАР

- 14.1. Ушбу Шартнома Томонлар томонидан имзоланган санадан бошлаб кучга киради ва Дебитор/Мижознинг Молиявий агент олдида ушбу Шартнома бўйича барча мажбуриятлари тўлиқ бажарилгунга қадар амал қилади.
- 14.2. Агар Томонлардан бири юридик шахс сифатида фаолиятини тўхтатса ёки ўзининг ҳукукий ҳолатида бошқа ўзгаришларга дуч келса, у ўз фаолияти (ўзгаришлари) тўхтатилгунга қадар ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини иккинчи Томон олдида бажариши шарт, бундан тугатилган (ўзгаришга учраган) Томоннинг ҳукукий ворисига ушбу мажбуриятлар ўтган ҳоллар мустасно.
- 14.3. Мижоз ва Дебитор ўртасидаги Контрактнинг бекор қилиниши Томонларни ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини лозим даражада бажаришдан ва жавобгарликдан озод этмайди.
- 14.4. Ушбу Шартнома билан назарда тутилган хабарномалар, билдиришлар ва бошқа ҳужжатлар ёзма шаклда амалга оширилади ҳамда Томонларнинг реквизитларига мувофиқ почта, электрон почта, факс орқали ёки Томонларнинг ваколатли ходимларига қўлма-қўл топшириш йўли билан етказилади.
- 14.5. Томонлар амалдаги қонунчилик ва/ёки ушбу Шартнома бўйича ёзма шаклда расмийлаштирилиши лозим бўлган барча ҳужжатлар факсимил алоқа орқали тегишли ҳужжатларни алмашиш йўли билан имзоланиши мумкинлигига розидирлар.
- 14.6. Томонлар ушбу Шартнома бўйича тақдим этилиши лозим бўлган барча ҳужжатлар факсимил алоқа воситалари орқали юборилиши мумкинлигига розидирлар. Томонлар факсимил алоқа

- орқали юборилган ҳужжатларнинг асл нусхаларини манфаатдор Томоннинг талабига асосан талаб қилинган санадан бошлаб 3 (уч) иш куни ичида тақдим этиш мажбуриятини оладилар.
- 14.7. Ушбу Шартномага барча қўшимча ва ўзгартиришлар фақат ёзма шаклда амалга оширилади ва Томонлар томонидан имзоланади.
- 14.8. Агар ушбу Шартноманинг бир ёки бир нечта қоидалари қонун ёки суд қарорига мувофиқ ҳақиқий эмас деб топилса, бу Шартноманинг бошқа қоидалари амал қилишини тўхтатиш учун асос бўлиб хизмат қилмайди.
- 14.9. Ушбу Шартнома 2 (икки) нусхада тузилган бўлиб, улар юридик куч жиҳатидан тенг ҳисобланади ва ҳар бир Томон учун биттадан нусха берилади.
- 14.10. Ушбу Шартнома матнида келтирилган барча илова ҳужжатлар унинг ажралмас қисми ҳисобланади.
- 14.11. Ушбу Шартномада назарда тутилмаган барча ҳолатларда Томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига амал қиладилар.
- 15. ТОМОНЛАРНИНГ ЖОЙЛАШГАН ЖОЙИ, ПОЧТА МАНЗИЛЛАРИ ВА БОШҚА РЕКВИЗИТЛАРИ**

МОЛИЯВИЙ АГЕНТ:

АО «Октобанк»

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри,
100021, Фуркат кўчаси, 2-уй

СТИР: 203644820

ОКЭД: 64190

Банк ҳисоб рақами: _____

Тел: +998 71 202-33-33

МФО: _____

Email: info@octobank.uz**ОПЕРУ БОШҚАРУВЧИСИ:**

Ф.И.Ш.: _____

М.Ў. (муҳр)

МИЖОЗ:

ООО «_____»

Манзил: _____

СТИР: _____

ОКЭД: _____

Банк: _____

Банк ҳисоб рақами: _____

МФО: _____

Тел: _____

Email: _____

ДИРЕКТОР:

Ф.И.Ш.: _____

М.Ў. (муҳр)

МИЖОЗНИНГ МОЛИЯВИЙ АГЕНТГА ЎТКАЗИЛГАН ПУЛ ТАЛАБЛАРИ РЕЕСТРИ

№ _____

(Молиявий агент ҳақи дисконт шаклида бўлгандаги шакли)

Пул талабини ўтказиш орқали молиялаштириш (факторинг) тўғрисидаги «_____» _____ 202 й. № _____ шартномага мувофиқ, Мижоз ООО «_____» (кейинги ўринларда — Дебитор)га нисбатан «_____» _____ 202 й. № _____ Контракт бўйича Молиявий агентга пул талабларини ўтказди.

№	Тасдиқловчи ҳужжат			Тасдиқловчи ҳужжатга мувофиқ пул талаби суммаси (сўм)	Пул талабларини ўтказиш суммаси	Мижоз ҳисоб рақамига ўтказиладиган сумма	Факторинг муддати	Тўлов санаси
	Номи (тури)	№	Сана					
1								
Жами:								

Ушбу Реестрни имзолаш орқали Мижоз унда кўрсатилган пул талабларини Молиявий агентга тўлиқ ҳажмда, шу жумладан барча турдаги неустойкаларни ҳамда мазкур пул талаблари билан боғлиқ ҳолда Мижозга тегишли бўлган бошқа барча талабларни, хусусан Дебитор томонидан тақдим этилган таъминотга бўлган ҳуқуқлар ва ўтказиладиган пул талаблари бўйича барча эҳтимолий суғурта талаблари бўйича манфаатдор шахс ҳуқуқларини ҳам ўтказилишини тасдиқлайди.

Шунингдек, Мижоз қуйидагиларни тасдиқлайди:

- ўтказилган талаблар бўйича маълумотларни гаров реестрига киритилишига рози;
- ушбу Реестрда кўрсатилган пул талаблари ҳақиқий, тўланмаган, учинчи шахсларга ўтказилмаган, низо ёки учинчи шахслар даъво предмети ҳисобланмайди;
- ушбу Реестр имзоланган санада Дебиторнинг Мижозга нисбатан қарши талаблари мавжуд эмас бўлиб, улар мазкур ўтказилган пул талабларига нисбатан ҳисобга олиш (зачёт) учун тақдим этилиши мумкин эмас.

ТОМОНЛАР ИМЗОЛАРИ:**МОЛИЯВИЙ АГЕНТ:**

АО «Октобанк»

ОПЕРУ БОШҚАРУВЧИСИ:

Ф.И.Ш.: _____

М.Ў. (муҳр)

МИЖОЗ:

ООО «_____»

ДИРЕКТОР:

Ф.И.Ш.: _____

М.Ў. (муҳр)

КИРИТИЛДИ:

Корпоратив кредитлаш ва мониторинг
департаменти директори

Фердерер С.И.

КЕЛИШИЛДИ:

Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари	Жумаев Х.Х.
Бошқарув раисининг ўринбосари	Шавкиев С.З.
Бошқарув раисининг ўринбосари в.б.	Мирзаев Б.А.
Юридик хизмат кўрсатиш департаменти директори	Ходжаев У.Р.
Бош бухгалтер в.б.	Аллаярова Д.Н.
Ички назорат департаменти директори	Зиявутдинов А.А.